

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

2022-yil
29-oktyabr
SHANBA
№ 83 (13540)



@haqiqatonline

КЛАСТЕР – ШУНЧАКИ ГАП ЭМАСДИР...



Ислохот



Хабарингиз бор, бундан бир неча йил аввал Президентимиз томонидан агрокластерлар барпо этиш ғояси илгари сурилди. Шундан сўнг қишлоқ хўжалигида иш юритишнинг янги шакли оммалаша бошлади. Бугунги натижа эса мазкур ташаббуснинг ғоят пухта ўйлангани, самарадорликка, тараққиётга элтувчи энг яқин йил эканини кўрсатмоқда.

Биламизки, кластер тизимида ер эгаси, тайёр маҳсулотлар, ўғит ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда уларга турли хизматлар кўрсатувчи тузилмалар иқтисодий, ҳудудий, логистика ва бошқа ришталар билан чамбарчас боғланади, бир-бирини астойдил қўллаб-қувватлашдан манфаатдор бўлади, бирининг ютуғидан иккинчи ва учинчилари ҳам фойда кўради.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Ҳамкорлик



МАНФААТЛИ МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Яқинда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигидаги делегация Корея Республикасида бўлиб, ҳамкорлик юзасидан қатор келишувларга эришгани ҳақида хабар берган эдик.

Нурафшон шаҳрида вилоят ҳокими ҳамда Корея Республикасининг Кёнсанбук-до провинцияси делегацияси аъзолари билан ташкил этилган мулоқот мазкур ҳамкорликнинг мантқиқий давоми бўлди.

Учрашувда яқин келажақда Тошкент вилояти ва Кёнсанбук-до провинцияси ўртасида қайта тикланадиган энергия соҳасида шериклик ва ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокара олиб борилди.

Шунингдек, мулоқотда ҳудудларда "Яшил энергия" лойиҳаларини татбиқ этиш ҳамда бунёдкорлик масалаларида ҳамкорлик юзасидан сўз борди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

ОҲАНГАРОН туманида «Яшил макон» умумий миллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш уюшқоқлик билан давом этмоқда. «Долзарб 40 кунлик»ка тумандаги барча корхона-ташкilotлар, маҳаллалар ва аҳоли кенг жалб қилинган.

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ тумани прокурори, 2-сектор раҳбари Б. Сотволдиев ташаббуси билан «Мевазор» маҳалласининг «Янги ҳаёт» кўчасига туман йўли қурилиши ва таъмирлаш бошқармаси томонидан шағал тўкилиб, текисланмоқда.

ҚИБРАЙ тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Ш. Холматов «Байт-кўрғон» маҳалла фуқаролари билан сайёр қабул ўтказди. Қабулда аҳолининг муаммо ва муурожаатлари атрофлича ўрганилиб, ижроси юзасидан тегишли масъулларга топшириқлар берилди.

ОЛМАЛИҚ шаҳридаги 6-ёрдамчи мактабда вилоят прокурорининг ташаббуси билан сайёр тиббий кўрик ташкил этилди. Унда 170 нафар ўқувчи мутахассислар кўригидан ўтказилди. Шунингдек, ЭҒГ, УТТ, умумий қон таҳлиллари олинди. Эндликда бундай сайёр тиббий кўрик йилда 2 марта ўтказилади.

ЧИРЧИҚ шаҳридаги 5 та ҳамда **ЯНГИЙЎЛ шаҳридаги** 4 та умумтаълим мактабларида Халқ таълими вазирлиги ҳомийлигида қуёш панеллари ўрнатилмоқда.

Маҳалла ҳаётидан

Маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси лавозимининг жорий этилганига ҳам қарийб бир йил бўлди. Очиги, аввалгига кўпчилик уларга ишонмади. Ҳатто, айримлар «Яна битта бекорга машо оладиган мансабдор кўпайибдида», дея киноя қилди. Аммо маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиларининг саъй-ҳаракати, жонқуярилиги натижада ишсизлик сезиларли камаиб, эҳтиёжманд оилаларнинг муурожаатлари ўз вақтида ижобий ҳал этилмоқда.

“ЗАРГАР” ЛИКЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ КЎМАКЧИСИ

Тошкент туманининг «Заргар» маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Шукрулло Суннатиллаев лавозимга киришганидан буюн анчагина ишларни охирига етказди. — Маҳалламизда 3 минг 625 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди Ш. Суннатиллаев. — Улардан 81 таси ўз-ўзини банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтди, 1 нафар фуқаро хорижда таҳсил олмақда. «Темир дафтар»даги 12 нафар фуқарони иш билан таъминлаш ҳаракатидамыз. Тадбиркорликка қизиққан 15 нафар фуқаро 2 турдаги касбга ўқитилмоқда. Жорий йилда «Тошкент вилояти шаҳар ва туманларида ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш, реконструкция қилиш» лойиҳаси буйича маҳалламизга ўн уч миллиард сўм ажратилган. Бу маблағга 2 та трансформатор сотиб олдик, ички йўллари боққичма-боққич асфальтламоқдамиз.

ЧАРМДАН Бежирил буюмлар



Қибрай туманининг «Янгиобод» маҳалласида яқинда иш бошлаган «Канишка» корхонаси асосан чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Айни пайтда корхонада 70 дан ортиқ маҳаллий йигит-қизлар доимий иш билан таъминланган бўлиб, келгусида иш ўринларини 120 тага етказиш режалаштирилган.



Инвестиция

Маданият вазирлиги эътиборига

“Ибратхона” га ибрат олувчи керакми?

Ўтган ҳафтанинг шанбаси эди. Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат музыкали театрида драматург Нафас Шодмонов ва режиссор Достон Ҳақбердийнинг «Бахши» музыкали драматининг премьерасига тушдим. Спектаклда одам сийрак. Шунингдек, томошабинларнинг аксарияти ёши катталар. Ёнимда ўрта ёшли бир аёл. Ундан нарида чамаси ўн уч, ўн тўрт яшар мактаб ўқувчиси ўтирибди.

Спектаклнинг бошланишига роп-роса 20 минут бор. Ёнимдаги опа юзланиб, сўради: — Талабамисиз? — Ҳа, талабаман.

— Театрга тез-тез тушиб турасизми? — Ишдан бўш кунлари тушаман. Ҳафтада икки-уч мартагача, — дедим соатимга тикилиб. — Ун беш минут қолди. Жимлик. Саҳна пардаси ортидан «Баландроқ кўтар», деган овозлар эшитилди.



Обуна – 2023 Қадрдон газетангиз

“TOSHKENT HAQIQATI” ga

2023 йил учун

ОБУНА
бўлишини
унутманг.



Нашр индекси – 205.



Кластер тизимининг афзалликларини ҳақида тўхталадиган бўлсак, аввало, у хом ашё етиштириш, уни ташвиш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш битта субъект томонидан амалга оширилиши сумий ишларда 9 мингдан зиёд ходим фаолият кўрсатмоқда. Табиийки, уларнинг даромади ҳам ортган.

Шунингдек, солиқ тўловларининг қарийб ўн баробарга ошгани маъруз

ишлаш заводидан иборат. Корхона бир мавсумнинг ўзида 40 минг тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга. Замоновий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лаборатория фаолиятининг йўлга қўйилгани шоланинг намлиги, қуритиш ва қайта ишлаш жараёнлари, шунингдек, маҳсулотнинг сифат кўрсаткичини доимий назорат қилиш имконини бермоқда.

“ТСТ Agro Cluster” кластерида дастлабки пайтда фақат пахта етиштирилган бўлса, 2020 йилдан галлачилик ҳам йўлга қўйилди. Жорий йилда 13 минг 400 гектарда галла етиштирилиб, 54 минг тоннадан ортиқ сара дон ўриб-янчиб олинди. 11 минг 461 гектарда етиштирилган пахтани йиғиб-териш ишлари давом этмоқда. Мавсум якунида 45 минг 850 тонна пахта хом ашёсини йиғиштириб олиб, ўртача ҳосилдорликни гектарига 40 центнерга етказиш кутуляпти.

босқичи деярли якунланди. Тўқимачилик мажмуаси ип йиғириш, бўяш, пардозлаш ва тикувчилик фабрикаларидан иборат бўлади ва йилга 20,6 минг тонна мато, 65 миллион донга тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиши режалаштирилган. Маҳсулотнинг 80 фоизи МДХ ҳамда Европа давлатларига экспортга йўналтирилади.

“ТСТ Fish Cluster” кластери эса 2018 йилда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тумандаги “Балиқчи” акциядорлик жамияти негизда ташкил этилган. Бугунги кунда сув ҳавзаларининг умумий майдони 2 минг 385 гектарга етказилиб, шундан 1 минг 750 гектарда балиқ парваришланмоқда. Бундан ташқари, балиқ чавоқлари олиш ва ўстириш, она балиқларни парваришлаш учун ҳам ҳовузлар мавжуд. Шунингдек, кластер таркибида балиқни қайта ишлаш, инкубация цеҳи ва махсус лаборатория ҳам фаолият юритмоқда.

“ЗАРГАР” ЛИКЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ КЎМАКЧИСИ

Маҳаллани айланар эканмиз, катта қурилишга кўзимиз тушди. Гап шундаки, маҳалладаги болалар боғчаси 50 йил олдин қурилган бўлиб, ҳозирги кун талабига мутлақо жавоб бермас ҳолатга келган экан. Мазкур боғчага қайта қуришга 10 млрд. сўм йўналтирилибди.

“Заргар”да саховатпеша тадбиркорлар ҳам анчагина экан. Ҳоким ёрдамчисининг саъй-ҳаракати, шунингдек, “Роҳатой” фермер хўжалиги ва яна 10 та хонадон билан корпорация ташкил қилиниб, фуқароларга 20 бош соғин сигир тарқатилибди. Улар ҳар кунлик сутни фермер хўжалигига топшириб, даромад топишмоқда.

Ҳоким ёрдамчиси бизни Манзура Мирзабоева хонадонига бошлади. Манзура опа 2 нафар келини, қизлари ва набиралари билан касаначи-

ликни йўлга қўйиб, тўқилган пойабзал ва гуруч қипғидан кўрпача тикиш экан.

– Бу иш билан 7 йилдан бери шугулланамиз, – дейди Манзура опа. – Ҳозир шаҳардаги ўқув марказида шу йўналишда дарс ҳам бераман. Биз тўқиган пойабзалларга талаб кўп эди. Ҳатто, Арабистондан ҳам харидорлар келиб, сотиб олишарди. Карантин сабабли маҳсулотларимизнинг экспорти тўхтаб қолди. Яқинда яна сармоя киритиб, 50 нафар иш ўрни яратамиз. Ҳоким ёрдамчиси йўл-йўриқ кўрсатиб, ҳужжат ишларида кўмаклашмоқда.

Шукрулло Суннатиллаевнинг режалари билан таъинлар эканмиз, ҳали унинг зиммасида катта ишлар турганини аниқлади. Уларнинг амалга оширилиши ўйлаб, “заргар”ликлар учун қувонди.

Ўткир ҲОШИМОВ
/Тошкент ҳақиқати/

КЛАСТЕР – ШУНЧАКИ ГАП ЭМАСДИР...

билан аҳамиятлидир. Бунинг натижасида маҳсулот арзон ва сифатли бўлади. Шунингдек, турли йўқотишлар камаюди ва хом ашёга муҳтожлик ҳолатлари барҳам топади. Энг муҳими, қишлоққа саноатнинг кириб бориши туфайли кўлаб аҳоли иш билан таъминланади.

Юртимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида кластерлар ташкил этилганига кўп бўлмаса-да, уларнинг аҳоли турмуш даражасини оширишда аҳамияти яққол кўринапти. Бунинг Қўйи Чирчиқ туманида биринчилардан бўлиб ташкил этилган “Tashkent Cotton Textile Cluster” (“ТСТ Cluster”) МЧЖ мисолида яққол кўришимиз мумкин. Мазкур кўп тармоқли кластер ўз таркибида шолчилик (TCT Rice cluster), пахтачилик ва галлачилик (TCT agro cluster) ҳамда балиқчилик (TCT Fish cluster) йўналишларини бирлаштиради.

Рақамлар орқали солиштирсак, туманда кластер усули жорий этилгунга қадар қишлоқ хўжалиги соҳасида 630 та фермер хўжалиги фаолият юритган бўлиб, улар томонидан 2018 йилда 13 минг 54 тонна пахта, 38 минг 215 тонна галла, 4 минг 243 тонна шולי етиштирилиб, 2 минг 743 тонна балиқ овланган.

Кластер усулига ўтилган, ҳосилдорлик йилдан-йилга кўлаимоқда. Бу йил шолчиликда ялли ҳосил қарийб 14 минг тоннага етиши, аҳоли дастурхонига 5 минг тоннага яқин балиқ етказиб берилиши кутуляпти.

Кластернинг ижтимоий аҳамияти ҳам тобора ортиб бормоқда. Фермер хўжаликлариде туман бўйича жами 1 минг 698 нафар, балиқчилик хўжалигида эса 389 нафар фуқаро ишлаган бўлса, эндиликда кластер таркибига кирувчи корхоналардаги доимий ва мав-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



тизимнинг яна бир аҳамиятли жиҳатидир.

Биргина “ТСТ Rice”да кластер усулида шולי етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашнинг тўлиқ саноат занжири яратилган бўлиб, авваллари кўп кучи ва кўлбола ускуналардан фойдаланиб келинган тармоқ тўлиқ саноатлаштирилди ва инвестор томонидан умумий қиймати 25 миллиард сўмлик лойиҳа амалга оширилди. Шунингдек, шолчини қайта ишлаш ва сақлаш мажмуаси бунёд этилгани айни мuddао бўлди.

Туманнинг “Сурум” маҳалласидаги 6 гектар ҳудудда ташкил этилган ушбу мажмуанинг умумий сийми 15 минг тонналик 2 та ёлқон оғир, шолчини тозалаш, қуритиш ҳамда қайта



Шунингдек, ҳозирда кластер томонидан тайёр тўқимачилик ва тикув маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича йirik инвестиция лойиҳасининг биринчи

Кластерда йилга 4 минг 500 тоннагача балиқ овланиб, аҳолига етказиб берилмоқда. Балиқ етиштиришда анъанавий усуллардан воз кечириб, интенсив ва ярим интенсив усулларга ўтилаётгани 20 баробар кўп балиқ етиштириш имконини бермоқда.

Этиборлиси, кластерга Беларусь ва Россиядан 9 млн. донна балиқ личинкалари келтирилган. Бу эса кейинги 2-3 йилда балиқ генфонди янада ривожланишини аниқлатади. Кластерда балиқ касалликларини тез аниқлаш ва чўқур таҳлил қилиш, шунингдек, сув сифати ва таркибини баҳолаш хизматларини ташкил этиш бўйича замонавий лаборатория мажмуасини яратишга қаратилган икки босқичли лойиҳа амалга оширилмоқда. Яъни, Ўзбекистон Балиқчилик илмий-тадқиқот институти билан биринчи босқичда ихтиопатология, гидрокимё ва гидробиология йўналишлари бўйича янги замонавий лаборатория мажмуаси, иккинчи босқичда микробиология кафедрасини ташкил этиш режалаштирилган. Айни пайтда лаборатория биологларини лойиҳалаш якунланиш арасида. Қурилиш-монтаж ишлари эса жорий йилнинг ноябрь ойида бошланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкин, бугунги кунда қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, унинг иқтисодий самарадорлигини оширишда кластер тизими яхши натижа бермоқда.

НОЗИМА РАСУЛОВА
/Тошкент ҳақиқати/
Аброр ЭСОНОВА ва
Рашид ГАЛИЕВ
оған суратлар

Хабарингиз борми?

ИМО-ИШОРА ТИЛИ ВА БРАЙЛЬ АЛИФБОСИ ЎРГАТИЛАДИ

Жорий йил 20 октябрда “Ўзбек имо-ишора тили ва Брайль алифбосини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

Қарорга қўра, ўзбек имо-ишора тили ва Брайль алифбосини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб ўзбек имо-ишора тилини янада ривожлантириш ва бу бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, ундан мулоқот воситаси сифатида фойдаланишни рағбатлантириб бориш белгиланди.

2023 йил 1 январдан бошлаб, умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда “Ишга марҳамат” мономарказларида ўзбек имо-ишора тили ва Брайль алифбосини ўргатиш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этилади.

Махсус ўқув курсларида қўриш, эшитиш ва нуқтада нуқсон бўлган шахслар ҳамда ишбу тоифадаги вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар – бепул, қолган шахслар – пуллик асосда ўқутилади. 2023 йил 1 январдан бошлаб давлат телеканалларида ҳафталик эфир вақтининг камида беш фоиз ҳажмидаги кўрсатувлар сурдорларга, яширин

субтитрлар ёки “югурувчи сатрлар” билан намойиш этилади. 2024 йилдан бошлаб қар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ўқитувчи лавозимига фақат дарс ўтиладиган имо-ишора тилини билладиган педагог кадрлар ишга қабул қилинади.

2023/2024 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини шакллантиришда сурдопедагогика ва тифлопедагогика йўналишлари бўйича давлат гранти асосида қабул кўрсаткичлари 25 фоизга оширилади.

2023 йилдан бошлаб ҳар йили сентябрь ойида “Имо-ишора тили бўйича энг яхши таржимон” танлови ўтказилади ва танлов ғолиблари қуйидагича тартибда пул мукофотлари билан рағбатлантирилади: 1-ўрин учун – БҲМнинг 100 давлат телеканалларида ҳафталик эфир вақтининг камида беш фоиз ҳажмидаги кўрсатувлар сурдорларга, яширин

ЎЗА

Эълонлар

Барча юридик ва жисмоний шахслар ДИҚҚАТИГА!

“Toshkent NETK” АЖ (СТИР: 201221748) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 мартдаги 126-сонли “Энергетика вазирлиги ҳузурда “Миллий диспетчерлик маркази” давлат унитар корхонасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори, “Toshkent NETK” АЖ акциядорларининг 2022 йил 14 июндаги умумий йиғилиши қарори, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖга қўшиб олинаётган 12 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналари акциядорларининг 2022 йил 12 октябрдаги қўшма умумий йиғилиши қарори ва “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг 2022 йил 24.10.2022 йилдаги 10.1-сон бошқарув қарорига асосан “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖга қўшиб олинаётгани ва “Тошкент вилояти ҳудудий филиали” қилиб қайта ташкил этилаётганини маълум қиламиз.

Жамият қайта ташкил этилаётгани сабабли Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ “Toshkent NETK” АЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖга ўттишини маълум қиламиз.

Юридик манзил: Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, М. Уйғурбек кўчаси, 60-уй.

Почта манзили: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, “Қумовул” МФЙ, Яшнн водий 42-44.

Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққати! “Ko’chmas mulk xizmatlarini ko’rsatish jamiyati” МЧЖ очик танлов савдоларига тақлиф этади!

“Ko’chmas mulk xizmatlarini ko’rsatish jamiyati” МЧЖ томонидан ташкил этилган очик танлов савдоларига “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2022 йил 27 октябрдаги 284-сонли такрорий бюртманомасига асосан, қурилиши режалаштирилган савдо шаҳобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи кўйилмоқда:

1. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудиде жойлашган, савдо шаҳобчаларининг сони – 33 донна, ҳар бирининг майдони – 16,5 м.кв.дан иборат, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 266 640 000 сўм.
 2. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудиде жойлашган, савдо шаҳобчаларининг сони – 3 донна, ҳар бирининг майдони – 18 м.кв.дан иборат, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 290 880 000 сўм.
 3. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудиде жойлашган, савдо шаҳобчаларининг сони – 4 донна, ҳар бирининг майдони – 33 м.кв.дан иборат, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 533 280 000 сўм.
 4. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудиде жойлашган, савдо шаҳобчаларининг сони – 11 донна, ҳар бирининг майдони – 36 м.кв.дан иборат, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 581 760 000 сўм.
 5. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудиде жойлашган, савдо шаҳобчаларининг сони – 11 донна, ҳар бирининг майдони – 20 м.кв.дан иборат, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 317 140 000 сўм.
- Савдода иштирок этиш истигини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб, расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

1. Тошкент вилояти, Қўйи Чирчиқ тумани, Дўрмон ҚФЙ, Дўрмон МФЙ ҳудудидеги жами 6,34 Га., шундан 5,34 Га., ер майдонида жойлашган 1244 туп “Сух гўзали” навли олма дарахтлари ва 1866 туп “Семеренка” навли олма дарахтларидан иборат “Боғзор”, бошланғич баҳоси – 40 000 000 сўм;
 2. Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Ҳўжақент массиви ҳудудидеги жами 17,787 Га., шундан 6,9 Га., ер майдонида жойлашган 640 туп олма, 520 туп гилос, 195 туп нок, 100 туп олхўри, 20 туп ўрик, 25 туп бодом дарахтларидан иборат “Боғзор”, бошланғич баҳоси – 40 000 000 сўм;
 3. Тошкент вилояти, Қўйи Чирчиқ тумани, Ёнарқ ҚФЙ ҳудудидеги жами 4,0 Га., шундан 3,37 Га., ер майдонида жойлашган 200 туп олма, 1380 туп “Наполеон” навли гилос, 100 туп ўрик, 200 туп ёнғоқ ва 100 туп беҳи дарахтларидан иборат “Боғзор”, бошланғич баҳоси – 38 000 000 сўм;
 4. Тошкент вилояти, Қўйи Чирчиқ тумани, Отажонов массиви, “Маданият” МФЙ ҳудудидеги жами 24,90 Га., ер майдонида жойлашган 3212 туп олхўри, 52 туп беҳи, 4071 туп олхўри дарахтларидан иборат “Боғзор”, бошланғич баҳоси – 113 000 000 сўм.
- Аукцион савдоси 2022 йил 29 ноябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Ш. Руставели кўчаси, 68-А уйда қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Такрорий савдолар учун ҳужжатларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади.
- Қўшимча маълумотларни (78) 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Эълонлар

Тошкент вилояти ҳудудидаги шаҳар, шаҳар атрофи ва вилоятлар ичидаги шаҳарлараро йўналишларни бириктириш бўйича электрон тарзда 2022 йил 28 ноябрь соат 14:00 да ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ.

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Йўналиш тури
Шаҳар ичи йўналишлари			
1.	Ши-5 й.т.	“Қалмоққир бошқармаси - 5/3 кичик ноҳия”	йўналишли такси
2.	Ши-8 й.т.	“А.Қодирий маҳалласи - Тиббиёт коллежи”	йўналишли такси
3.	Ши-11 й.т.	“Қўрғонча кўчаси - 5/3 кичик ноҳия (Рух заводи орқали)”	йўналишли такси
4.	Ши-14 й.т.	“Аппартак маҳалласи - Ангрен АШБ”	йўналишли такси
5.	Ши-15 й.т.	“Қалмоққир бошқармаси - А.Қодирий маҳалласи”	йўналишли такси
6.	Ши-17 й.т.	“Газ ёнилғи қуйиш шаҳобчаси - Тиш даволаш шифохонаси”	йўналишли такси
7.	Ши-21 й.т.	“Тиббиёт коллежи - Ойдин - Марказий бозор - Қалмоққир станцияси”	йўналишли такси
8.	Ши-25 й.т.	“Чинор маҳалласи - Айланма”	йўналишли такси
9.	Ши-30 й.т.	“Гагарин кўчаси - Олмалик ЙҲХБ”(Олмалик шаҳри)”	йўналишли такси
10.	Ши-31 й.т.	“Сут заводи - Аммофос ОАЖ (Алоқа бекати орқали)”	йўналишли такси
Шаҳар атрофи йўналишлари			
11.	ВХ-218	“Янгийўл АШБ - Тошкент Олмазор метроси” (Экспресс)	автобус
12.	ВХ-219	“Шифобахш сувлар - Беруний метроси” (Экспресс)	автобус
13.	ВХ-220	“Жумабозор кўрғони - Роҳат (5-метро бекати)” (Экспресс)	автобус
14.	ВХ-223 й.т.	“Янгийўл шаҳар бозори - Паррандачилик фабрикаси”	йўналишли такси
15.	ВХ-239 й.т.	“Олтиовул қишлоғи - Олмалик АШБ”	йўналишли такси
16.	ВХ-241 й.т.	“Ўрикзор маҳалласи - Фарҳод деҳқон бозори”	йўналишли такси
17.	ВХ-250 й.т.	“Бўка АШБ - Туркистон ф.у. (Дўстлик маҳалласи орқали)”	йўналишли такси
18.	ВХ-262 й.т.	“Унгут МФЙ - Оҳангарон деҳқон бозори”	йўналишли такси
19.	ВХ-264 й.т.	“Паркент МФЙ - Бўка деҳқон бозори” (Ёшлик МФЙ орқали)	йўналишли такси
20.	ВХ-266 й.т.	“Ниёзбоз маҳалласи - Олмазор метро бекати”	йўналишли такси
21.	ВХ-273 й.т.	“Чирчиқ АШБ - Бурчмулла қишлоғи”	йўналишли такси
22.	ВХ-278 й.т.	“Янгийўл шаҳар бозори - Навоий ф/у”	йўналишли такси
23.	ВХ-284 й.т.	“Уяли қишлоғи - Янгийўл АШБ”	йўналишли такси
24.	ВХ-308 й.т.	“Янгийўл темир йўл вокзали - Отажонов ф/у”	йўналишли такси
25.	ВХ-309 й.т.	“Оққўрғон деҳқон бозори - Янгийўл АШБ”	йўналишли такси
26.	ВХ-318 й.т.	“Йилқичи МФЙ - Қўйлиқ деҳқон бозори”	йўналишли такси
27.	ВХ-323 й.т.	“Ангрен деҳқон бозори - Увак маҳалласи”	йўналишли такси
28.	ВХ-329 й.т.	“Олмалик АШБ - Чилқори масжиди - Шовғоссой”	йўналишли такси
29.	ВХ-333 й.т.	“Олмалик АШБ - Пискент АШБ”	йўналишли такси
30.	ВХ-336 й.т.	“Оҳангарон АШБ - Олмалик АШБ”	йўналишли такси
31.	ВХ-339 й.т.	“Қизилоғи қишлоғи - Олмалик АШБ”	йўналишли такси
32.	ВХ-344 й.т.	“Қайтмас қишлоғи - Нурафшон АШБ”	йўналишли такси
33.	ВХ-346 й.т.	“Болта (Жунсиз) маҳалласи - Қўйлиқ кийим бозори”	йўналишли такси
34.	ВХ-350 й.т.	“Ангрен деҳқон бозори - Илғор МФЙ (Серго)”	йўналишли такси
35.	ВХ-368 й.т.	“Паркент АШБ - “Гулбоғ” қ.ф.й. хирмони”	йўналишли такси
36.	ВХ-372 й.т.	“Паркент АШБ - Заркент қишлоғи”	йўналишли такси
37.	ВХ-513 й.т.	“Тарақий қишлоғи - ТошДАУ”	йўналишли такси
38.	ВХ-516 й.т.	“Қибрай АШБ - Мой қишлоғи”	йўналишли такси
39.	ВХ-518 й.т.	“Мой қишлоғи - ТошДАУ”	йўналишли такси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 декабрдаги “Автомобиль транспорт-ида йўловчи ташиш йўналишлари бўйича очик тендерларни электрон тарзда ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 738-сонли қарори талабларига мувофиқ шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташиш йўналишларини бириктириш юзасидан очик тендерлар фақат электрон ахборот тизими орқали ўтказилади. Тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, тегишли равишда автомобиль транспортда шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташувларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган ҳамда электрон ахборот тизимида рўйхатдан ўтган юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 декабрдаги 738-сонли қарори билан тасдиқланган “Шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ичида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлараро) ва халқаро йўналишларни бириктириш бўйича очик тендерларни электрон тарзда ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ”га мувофиқ:

– Тендерда қатнашиш учун таклифлар талабгорлар томонидан ахборот тизими (e-tender.uztrans.uz) орқали тақдим этилади;

– Айнан битта автотранспорт воситаси бир вақтнинг ўзига бир неча тугалланмаган лотларга ҳамда амалдаги шартномага мувофиқ йўналишга бириктирилган автотранспорт воситаларининг тендер таклифи сифатида ахборот тизимига киритилишига йўл қўйилмайди (шартноманинг амал қилиш муддати тугашига олтиш ва ундан кам кун қолганида мазкур шартномада кўрсатилган автотранспортларнинг ахборот тизимига киритилишига йўл қўйилади).

Талабгор тендер таклифларини тақдим этиши учун тендерни ташкил этиш, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида эълон бериш харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи миқдоридан тўловни **Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳисоб рақамига (АТБ “Ипотека банк” Чилонзор бўлими, х/р: 4014108604262773422967279, банк коди: 00997, СТИР: 202811527) ўтказиб, 2022 йил 27 ноябрь соат 14:00 гача ўз тендер таклифларини ахборот тизими (e-tender.uztrans.uz) орқали тақдим этиши шарт.**

Тендер таклифлари белгиланган муддат якунланганидан кейин



қабул қилинмайди ҳамда тендер таклифлари тақдим этилганидан кейин қатнашчилар уларга тузатиш киритиш ҳуқуқига эга эмас.

Тендер бўйича келиб тушган таклифлар ахборот тизими орқали автоматик тарзда баҳоланади.

Тендерни ташкиллаштириш бўйича ваколатли орган: Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Тошкент вилояти транспорт бошқармаси.

Маълумот учун телефон: (+99871) 202-05-00 (213).

Тошкент вилояти ҳудудидаги шаҳар, шаҳар атрофи ва вилоятлар ичидаги шаҳарлараро йўналишларни бириктириш бўйича электрон тарзда 2022 йил 14 декабрь соат 14:00 да ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ.

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Йўналиш тури
Шаҳар ичи йўналишлари			
1.	Ши-2	“ЧКСМиК - 2 кичик ноҳия”	автобус
2.	Ши-2 й.т.	“Қамола дорихонаси - Кимёгар шаҳарчаси”	йўналишли такси
3.	Ши-3 й.т.	“6-сонли ўрта мактаб - Аммофос ОАЖ”	йўналишли такси
Шаҳар атрофи йўналишлари			
4.	ВХ-428	“Пискент АШБ - Қўйлиқ деҳқон бозори (Нурафшон орқали)”	автобус
5.	ВХ-447	“Бўзсув ф/у (Зарафшон маҳалласи) - Фарҳод бозори”	автобус
6.	ВХ-500	“Ғиштқўприк чегара блок пости - Қўйлиқ деҳқон бозори”	автобус
7.	ВХ-376 й.т.	“Янгибозор АШБ - Чумқуҷар қишлоғи”	йўналишли такси
8.	ВХ-377 й.т.	“Янгибозор АШБ - Қорақалпоқ ф/у 2-бўлим”	йўналишли такси
9.	ВХ-379 й.т.	“Паркент АШБ - Невич қишлоғи”	йўналишли такси
10.	ВХ-383 й.т.	“Бойқозон - Истикбол - Паркент - Бойқозон”	йўналишли такси
11.	ВХ-384 й.т.	“Бирлик маҳалласи - Қўйлиқ кийим бозори”	йўналишли такси
12.	ВХ-385 й.т.	“Янгибозор АШБ - Жалолтепа қишлоғи”	йўналишли такси
13.	ВХ-388 й.т.	“Паркент АШБ - Қумушқон қишлоғи”	йўналишли такси
14.	ВХ-395 й.т.	“Бўка маркази - Зафар шаҳарчаси”	йўналишли такси
15.	ВХ-396 й.т.	“Оҳангарон деҳқон бозори - Қўйлиқ кийим бозори”	йўналишли такси
16.	ВХ-399 й.т.	“Дўстлик ф/у - Бойкент маҳалласи”	йўналишли такси
17.	ВХ-400 й.т.	“Дўстобод АШБ - Чиноз шаҳри (Меҳнатобод орқали)”	йўналишли такси
18.	ВХ-401 й.т.	“Дўстобод АШБ - Чиноз шаҳри (Гул орқали)”	йўналишли такси
19.	ВХ-403 й.т.	“Хондойлик қишлоғи - Ғазалкент АШБ - Чирчиқ АШБ”	йўналишли такси
20.	ВХ-404 й.т.	“Ғалабасой қишлоғи - Ғазалкент АШБ”	йўналишли такси
21.	ВХ-405 й.т.	“Қизилтоғ қишлоғи - Паркент АШБ”	йўналишли такси
22.	ВХ-411 й.т.	“Олмалик АШБ - Убайт - Узар - Эйвалек кўрғони”	йўналишли такси
23.	ВХ-412 й.т.	“Оҳангарон деҳқон бозори - Убайт - Узар”	йўналишли такси
24.	ВХ-413 й.т.	“Оҳангарон деҳқон бозори - Эйвалек МФЙ (Фарбий кўчаси)”	йўналишли такси
25.	ВХ-420 й.т.	“Қўйлиқ деҳқон бозори - Дўстлик маҳалласи - Сурум қишлоғи - Дўстлик қ.ф.й. 11-мактаб”	йўналишли такси
26.	ВХ-424 й.т.	“Сирғали маҳалласи - Ғиштқўприк - Юнусобод 9-даҳа АШБ”	йўналишли такси
27.	ВХ-432 й.т.	“Қорасув кўрғони - Бурғалик қишлоғи”	йўналишли такси
28.	ВХ-475 й.т.	“Ғиштқўприк маҳалласи - Юнусобод АШБ 9-даҳа”	йўналишли такси
29.	ВХ-534 й.т.	“Гулистон маҳалласи (Саидота қабристон) - Юнусобод деҳқон бозори”	йўналишли такси
30.	ВХ-541 й.т.	“Оққўрғон деҳқон бозори - Мамут МФЙ (Бўка орқали)”	йўналишли такси
31.	ВХ-579 й.т.	“Дўстлик маҳалласи - Чорсу савдо маркази”	йўналишли такси
32.	ВХ-609 й.т.	“Янгибозор АШБ - Бўстон қишлоғи”	йўналишли такси
33.	ВХ-633 й.т.	“Соҳибқор” МФЙ (Тотувлик кўчаси) - Қибрай марказий шифохонаси - ТошДАУ”	йўналишли такси
34.	ВХ-652 й.т.	“Гулзор” МФЙ - Юнусобод деҳқон бозори”	йўналишли такси
35.	ВХ- 661 й.т.	“М.Ўзбекистон ф/у - Олмалик АШБ”	йўналишли такси
36.	ВХ-694 й.т.	“ТТЗ АШБ - Ғиштқўприк маҳалласи”	йўналишли такси

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, тегишли равишда автомобиль транспортда шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташувларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган ҳамда электрон ахборот тизимида рўйхатдан ўтган юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 декабрдаги 738-сонли қарори билан тасдиқланган “Шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ичида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлараро) ва халқаро йўналишларни бириктириш бўйича очик тендерларни электрон тарзда ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ”га мувофиқ:

– Тендерда қатнашиш учун таклифлар талабгорлар томонидан ахборот тизими (e-tender.uztrans.uz) орқали тақдим этилади;

– Айнан битта автотранспорт воситаси бир вақтнинг ўзига бир неча тугалланмаган лотларга ҳамда амалдаги шартномага мувофиқ йўналишга бириктирилган автотранспорт воситаларининг тендер таклифи сифатида ахборот тизимига киритилишига йўл қўйилмайди (шартноманинг амал қилиш муддати тугашига олтиш ва ундан

кам кун қолганида мазкур шартномада кўрсатилган автотранспортларнинг ахборот тизимига киритилишига йўл қўйилади).

Талабгор тендер таклифларини тақдим этиши учун тендерни ташкил этиш, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида эълон бериш харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи миқдоридан тўловни **Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳисоб рақамига (АТБ “Ипотека банк” Чилонзор бўлими, х/р: 4014108604262773422967279, банк коди: 00997, СТИР: 202811527) ўтказиб, 2022 йил 13 декабрь соат 14:00 гача ўз тендер таклифларини ахборот тизими (e-tender.uztrans.uz) орқали тақдим этиши шарт.**

Тендер таклифлари белгиланган муддат якунланганидан кейин қабул қилинмайди ҳамда тендер таклифлари тақдим этилганидан кейин қатнашчилар уларга тузатиш киритиш ҳуқуқига эга эмас.

Тендер бўйича келиб тушган таклифлар ахборот тизими орқали автоматик тарзда баҳоланади.

Тендерни ташкиллаштириш бўйича ваколатли орган: Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Тошкент вилояти транспорт бошқармаси.

Маълумот учун телефон: (+99871) 202-05-00 (213).



Янги йилда Янги имкониятлар



Туризм ва маданий мерос вазири ўринбосари Ботир Шахриёров соҳа вакиллари билан Янгийул туманида бўлди. Тумандаги туристик объектлар билан яқиндан танишув жараёнида "Knotot house" баликчилик кластери ва туризми лойиҳасининг имкониятлари ўрганилди.

2023 йил апрель-май ойларида фойдаланишга топширилиши кутилаётган 80 миллиард сўмлик лойиҳанинг таркибига 100 ўринли ресторан, 30 ўринли меҳмонхона, очик тамадди биноси ва балик овлаш террасаси, ёпиқ тапчанлар,

оилавий кемпинглар, кум спорти худуди, шунингдек, кузатув минораси кирди.

Туризм соҳаси мутасаддилари тумандаги "Усмон ота" дам олиш масканида ҳам бўлишди. Шинам коттежлар, сузиш хавзаларини кўздан кечирган масъуллар бу жойни турмаршрутларга қўшиш орқали кенг тарғиб этиш таклифни беришди.

Тошкент вилояти туризм ва маданий мерос бош бошқармаси Ахборот хизмати

Комилжон ога илк бор 1960-йилларда "Лазги"га юз йилча бурун яшаб ўтган шоир Комил Хоразмийнинг "Кимни севар ёрсан?" мухаммасини басталаган. Шундан кейин бошқа шоғирд хонандалар Машраб, Огайи каби сўз санъаткорларининг ғазаллари, мухаммасларини ботлашди. Кейин-кейин оддий бармоқ вазида ёзилган дам ажойиб, дам хашаки шеърларни ботлаб айтиш ҳам урф бўлди. Баъзилар фақат: "Лазги, лазги, лазги, экансан тоза мазги!" каби "йўқдан кўра юпунчиқ" ижроларга ҳам ўтиб олишди. Лазгини чинакам ижро этиш учун эса 20-25 қатор мухаммасни ёдлаш керак. Ҳозирги хонандалар эса, афсуски, машҳур киноактриса Мерилин Монро каби икки қатор гапни ҳам эсларида сақлаб олишмайди...

Комил Хоразмий мухаммасида ёрга саволлар беришда шундай бошлайди:
Қайси чаманзорнинг полайи

анворисан,
Қайси Хўтан охусин нофаи

Бу ерда тилга олинаётган "Хўтан" ва "нофаи тотор" сўзлари нимани аниқлаш мени кўп уйлантиради. Бу сатр ҳаёли мени тасаввур дунёсига фарқ этади ва ўзимча шундай уйлارга бораман...

Хўтан – Хитойдаги вилоятлардан бирининг қадимги номи. Асли Катон дейишди. Бу жойлар тоғли худуд бўлса керак. Шарқий томондан Марказий Осиёдаги энг хатарли сахро Такла Маконга тутташиб кет-

ган. Мана шу Такла Макон чўлларида ўтган Буюк Ипак йўлидаги қарвонларни асосан туркий мусулмонлар бошқарган.

Минг йилча аввал бу ерларда мусулмонлар жуда кўплаб яшаган, Ипак йўлидаги асосий савдогарлар бўлишган экан. Юн ва бошқа сулопалар императорлари мусулмонларга Бежин (Пекин ва атрофи)да яшаш ва катта масжидлар қуришга ижозат беришган, улар тўпланиб яшаш учун алоҳида худудлар ажратишган, савдо соҳасидаги ҳукумат ишларига мусулмонларни тайинлашган. Савдода ҳалоллик уларга хос бўлган.

Хўтан тоғларида яшовчи оҳулардан олинган маҳсулот – нофаи тотор, яъни, қо-

Дарвоқе

ҳам жуда борса бир неча граммга эга бўлишди. Мушкнинг ўзи қўланса бўлгани билан узоқ муддатга ҳид тарата олгани учун уни гул мойи – атирга аралаштиришди. Мушк ва анбар қўшилган атир эса узоқ пайтгача гуркираб туради ва димоқни қитқилмайди.

Анбар маҳсулоти эса денгиз кашалотларининг ўт қолига ўхшаш безида қора қуюқ модда сифатида йиғилар экан. Илгари кашалотларни камдан-кам овлашарди. Унинг ичидан чиқадиган қўланса анбарни эса ташлаб юборишарди. Уша пайтларгача фақат мушқдан фойдаланиб келган атторлар анбардан ҳам фойдаланишни йўлга

"Сўйла, менга ЭЙ санам..."

ёхшуд бир сатр хаёли

Устоз ҳофиз Комилжон Отаниёзов ажойиб овоз эгаси бўлибгина қолмай, новатор санъаткор ҳам эди. Неча асрлардан бери сўзсиз ижро этилиб келинган "Лазги" куйига шеър қўйиб айтишни бошлаб берган дарға.

рамтир мусимон мода – мушк бўлса керак, атторликда ишлатиладиган жуда қимматбахо ашё – афродизиақ унсур. Унинг ранги асосан қорамтир бўлар экан. Ҳиди сал қўланса ва ўткир бўлиб, димоқни қитқилмайди. Бу модада эркак оҳулар киндигида жойлашган безда пайдо бўлади ва вақти-вақти билан томиб туради. Эркак оҳулар ўз худудини белгилаш учун ана шу томчиларни япроқлар, майсаларга, тошларга томизиб юради. Бу томчи қора доғ – мум томчидай қотади ва ўткир ҳид таратади. Урғочи оҳулар ана шу ҳид бўйича эркак оҳуни қидириб топади. Шу сабабли ҳам бу модада қўшилган атторлардан фойдаланиш урф бўлган...

Мушқдан ташқари, бундай қудратга эга бошқа бир афродизиақ унсур – анбар ҳам бўлиб, мушқдан бир мунча кучсизроқ бўлса-да, аммо уни топиш нисбатан осонроқ. Мушкни терувчилар томчилардан тўплаши, ёки эркак оҳуни отиши лозим бўлиб, шунда

қўйганларидан кейин кашалотларга чинакам ов бошланиб кетди.

Хўтан оҳулари сони тамоман камайиб кетган пайти анбарнинг пайдо бўлиши атторлик маҳсулотларининг нисбатан арзонлашишига олиб келди. Қадим замонларда мушкни атирлардан фақат пулдор одамларгина фойдалана олишарди.

Ҳозир сунъий мушк ва анбарлар кимевий ўсудда олинаётган бўлса ҳам, тоза мушк ёки анбар қўшилган атирлар ҳамон жуда қиммат нарҳда сотилади.

Яқинда Қизил денгиз бўйидаги уч қашшоқ баликчи ўз ажали билан ўлган ва деярли сасий бошлаган улкан кашалот жасдини топиб олишди. Унинг ичак-чағовини титқилашётганларида бирийўла ўттиз кило анбар топиб олишди. Буни тегишли жойларга элтганларида уларга уч юз минг доллар тўлашган экан. Ҳозир хар бири бир неча моторли қайиқлар сотиб олишиб, уларни бошқа баликчиларга ижарага берганча, ўзлари кайф-сафо қилишяётганмиш...

Оллоёр ХУЖАНДИЙ
Беқобод

Ангрэн шаҳридаги 34-сонли таянч ҳаракат аъзолари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчилари ўртасида "Бармоқларда олам тафти" лойиҳаси доирасида танлов ўтказилди.

"Бармоқларда олам тафти"



Танлов

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ёшлар бўлими, Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги Ангрэн шаҳар бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган танлов ноғиронлиги бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш, иқтидорларини юзага чиқариш ва келгусида касбга йўналтириш мақсадида ташкил этилди.

Лойиҳанинг расмлар танловида 20 нафар, қўл меҳнати билан ясалган буюмлар кўргазмасида 50 нафар ўқувчи фаол қатнашди.

Ҳилола МАДАЛИЕВА

Ғаройиб топилма

Ўзбекистон Фанлар академияси Миллий археология маркази экспедициясининг Тошкент воҳасининг энг йирик қадимий шаҳарларидан бўлган тарихий Қанқа ёдгорлигида олиб борган археологик изланишлари довомида ўрта асрлар тарихига оид янги маълумотлар кашф этилди.

Оққўрғондан ўрта асрларга оид иншоот қолдиқлари топилди

Жумладан, XI-XII асрлар билан даврлаштирилган узунлиги 12 метр, кенлиги 6,30 метр бўлган катта хонақоҳ топилди.

Унинг кириш қисмидаги йўлак пишиқ гиштлар билан қопланган. Залнинг ён деворлари қалинлиги 1,3 метр кенликда эканлиги бинонинг маҳобатли иншоотлигидан далolat беради.

Залнинг жанубий-ғарбий бурчагида ён деворлар ҳам пишиқ гишт билан қопланган бўлиб, кучли олов натижасида куйганлиги, шунингдек, бу эрда ёғочдан ишланган пештоқ ҳам бўлганлигини кўр-



сатади. Ёнгин натижасида пештоқдан қўлаб тушган йирик ёғоч қолдиқлари ҳам аниқланиб, уларнинг сақланиб қолганлари синчиклаб ўрганилганда юза қисмлари уйма нақшлар билан безалганлиги маълум бўлди.

Қазиш ишлари довомида, ўрта аср қатламлари остида илк ўрта асрларга оид яна бир йирик иншоот қолдиқлари топилди.

Ушбу йирик қурилиш қолдиқлари Қанқа ёдгорлигининг шарқий тарафида жойлашган ибодатхона билан бевосита боғлиқ бўлиши мумкинлиги ҳақида хулосалар чиқаришга асос беради.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

Орадаги жимликни бузиб, аёл яна сўз қотди: – Мен ҳам фарзандларимни навбати билан ҳафтада бир мартадан театрга олиб тушаман. Касбим ўқитувчи. Мактабда бошланғич синфларга дарс бераман. Бугун аксарият ёшларимиз фикран ялқов бўлиб қолган. Фикрлашни хоҳлашмайди. Бунинг сабаби нима биласизми, бу – китоб ўқимасликдан. Амалийётдан маълумки, бола ёшлигида китоб ўқишни зерикарли иш деб билади. Китоб ўқишга эринса, театрга тушиб туриш керак. Қўраётган воқеаларини мулоҳаза қилишга уринади. Ўзича хулоса қилади. Афсуски, ундай эмас. Кўпчилик ота-оналар боласига бефарқ. Дарс жараёнида бир метод жорий қилганман. Яъни, ҳар сафарги ота-оналар мажлисида болангизни театрга олиб тушинг, дейман. Кейин "Қани, ким қайси спектаклга тушди?", дея ўқувчиларимдан сўрайман. Мана, неча йилдирки, ушбу методим иш берди. Ота-оналар мажлисида мулзам бўлмаслиги учун ҳам фарзандини театрга олиб тушадиган бўлишди. Тўрт йил ҳар хил спектаклларни томоша қилаётган ўқувчиларим юқори синфда китоб мутлоасига тутиниши осон кечаяпти. Болага энди катта бўлдинг, китоб ўқинг керак, дейиш нотўғри. Уни ёшлигидан китобхонликка ўргатиб бориш керак. Ушбу йўлда эса спектакль, деворий газеталар чиқариш ва болани зериктирмайдиган ҳамда фикрлашга ундайдиган тадбирлар қўл келади. Бугун кўпчилик юртдошимизнинг онгида "Театр – хордиқ чиқариш маскани", деган янглиш тушунча пайдо бўлган. Аслида, театр дам олиб кетадиган жой эмас. Аксинча, одамни фикрлашга, яқини ёмондан ажратишга ўргатадиган жой. Аммо кўрпясизки,

риёзат чекиб яратилган асарларга гуррос-гуррос томошабин келмаяпти. Бу эса фикран ялқов бўлганимиздан дур. Мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларига театрда тушишга имтиёз яратиш керак. Шунда ота-она ҳам фарзандини оғринмай театрларга олиб тушармиди?! Сабаби, ҳаммада вазият ҳар хил. Кўпчилик пулини қизганади. Шунинг

келасилар. Агар бешалангни навбат билан ҳар хил спектаклга олиб тушсак, деярли бешта спектакль ҳақида маълумотга эга бўласизлар".

Ҳақиқатан ҳам, шундай эди. Дадам ва онам билан қайсимиз бирга борсак, кела солиб спектаклдаги фикримиз билан уртоқлашардик. Шунда қолган тўрталамиз спектаклни кўрмасак ҳам,

дея савол берилса, қанчалик мулзам бўлиб қолдиқларимиз?

Театрда учратганим ўқитувчи аёлнинг фикрларидан жон бор. Ўқитувчиларнинг ойлиги орзу қилганимиз қадар баланд эмаслиги ҳеч бириமிழ сир эмас. Шундай экан ўқитувчи ва бошланғич синф ўқувчиларига театрларга тушиши учун давлат тарафидан қандайдир имтиёз жорий этилиши керак.

Бу билан томошабин кўпайиб, театрларимизга ҳам янада файз кириб қоларди. Қолаверса, бу масалада катта-кичик раҳбарларимиз ҳам раиятга ибрат кўрсатса, ёмон бўлмасди. Чунки катта арава қаёққа юрса, кичиклари ҳам шунга эргашади. Алҳосил, вилоят театрларида ҳам жонланиш рўй беради. Ақалли бир ойда бир мартагина театрда вақт ажратишса, санъаткорларга ҳам руҳий далда бўлармиди?

Шунингдек, сўзим охирида яна бир таклифни бермоқчиман. Мактаб дастурига ҳам саҳна санъати оид бирор бир предмет киритиш керак. Ука ва сингилларимиз ҳам ўқувчилик чоғлариданоқ театрда бориш, спектакль томоша қилиш маданиятини ўзлаштирса, ёмон бўлмасди. Аммо унутмайликки, ёшларни санъатга муҳаббат руҳида тарбиялаш билан иш битмайди. Ҳамма замонда ҳам муҳими – ота-онани маърифатли этмоқ.

Хулоса шу: ўқитувчи ва ўқувчилар театрда буюр киритилиши керак! Бу масалани Маданият вазирлиги атрофида ўрганиб чиқиб, ҳукуматга тегишли таклиф киритса, фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Мурод РАҲМАТ

"ИБРАТХОНА"ГА ИБРАТ ОЛУВЧИ КЕРАКМИ?



учун, ушбу масалани кўриб чиқиш лозим, менимча. Гапнинг индаллоси, ўткинчи ҳо ҳавасларга берилиб, улугвор мақсадлар ёдимиздан кўтарилмаслиги керак...

Оддий муаллимнинг куюнчак фикрини эшитиб хурсанд бўлишим. Бехўбудий бобонинг машҳур гапи шууримни ёритиб ўтди: "Театр бу ибратхонадур".

Болалигимда дадам ва онам ҳам биз, яъни беш нафар фарзандини навбатма-навбат театрга олиб тушишар эди. Ушанда ҳаммамизни нега бирдан олиб тушмайсиз, деб сўрардик. Онанинг жавоби кечагидек ёдимда: "Ҳаммангни бирдан олиб тушсак, битта спектаклни кўриб

у ҳақида маълумотга эга бўлардик.

Бугун ёшимиз ўлгайиб, ҳаётни озмунча тушунгандан сўнг англаб етгаймизки, ҳафтада бир марта бўлса ҳам театрда бориб турганимизга уйга қайганимиздан сўнг мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашганларимиздан жуда мамнунмиз. Чунки театр ҳаётни англашимизга, қайси йўлнинг тўғри, қай бирининг нотўғрилигини идрок этишимизга ёрдам бераётгандек. Муҳими, озми-кўпми, фикрлашни, ҳар воқеага нисбатан мулоҳаза юритиш кўникмасини ўргандик, китобга ошно бўлдик.

Бугун ота-оналарга "Хўш, фарзандингизни охири марта қачон театрда олиб тушингиз?"



TOSHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

- Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi)
- Ummat MIRZAQULOV
- Hotamjon SAYDAHMEDOV
- G'afurjon MUHAMEDOV
- Mahmud TOIR
- Uskenboy ATEMOV
- Abdulla XURSANOV
- Mahmudjon BOLTABOYEV
- Ra'no TURDIBOYEVA
- Sergey MUTIN
- Zarifa ERALIYEVA
- Azamat KAMOLOV
- Bosh muharrir: G'ayrat SHERALIYEV

- Qabulxona: (71) 233-64-95
- Bosh muharrir o'rinbosari: (71) 233-70-10
- Mas'ul kotib: (71) 233-90-82
- Bo'lim muharrirlari: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
- E'lonlar va hisob-kitob bo'limi: (71) 233-54-10
- e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

- Navbatchi muharrir: Kumush EGAMBERDIYEVA
- Mas'ul kotib: Alloma AZIZOVA
- Navbatchi: Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.
Bosishga topshirildi – 20.00
Nashr ko'rsatkichi – 205.
Buyurtma G-1035.
3 918 nusxada chop etildi.
Hajmi – 2 taбоq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzilimiz:
11500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofsimiz: 100000,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxonani manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.